

УЎЗБЕК СОНДА

"МУЛК БОШҚОТИРМА" СИ

ФЕРМЕРГА ЛОТОРЕЯ КЕРАКМИ?

МУАММОГА КИМ САБАБЧИ?

ШОПЕНГАУЕР: ЭЗГУЛИК МУЛКИ

MEZON

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашинишга ҳақли эмас.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қондабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашиниш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан уларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, ана шу маҳсулотни баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилаш ишларига аралашинишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно.

"ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ, 34-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 9 (316) 2003 йил 4 МАРТ сешанба

Сотувда эркин нархда

2003 йил 28 февралда Адлия вазирлигида унинг марказий аппарати ва жойлардаги адлия идораларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокida кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, суд ва банк муассасаларининг раҳбарлари иштирок этишди. Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Полвон-зода маъруза қилди.

Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

МАҚСАДИМИЗ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Шу йил 17 февралда бўлиб ўтган давр мобайнида кичик бизнесни ривожлантириш рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, энг муҳими, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилганини асосий эътиборимизда катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини берди.

Адлия вазирлигида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича юқлатилган масъулиятли вазифа ва ваколатлардан келиб чиқиб, ўтган 3 йил давомида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилинишни яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими яратилди. Бунда асосий эътибор тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ҳуқуқини поймол қилувчи ҳар бир мансабдор шахснинг муқаррар жавобгарликка тортилишига қаратилган. Бунинг учун адлия идоралари ўз ваколатлари доирасида бошқа идоралар билан ҳамкорликда барча зарур чораларни кўрмоқда.

Биринчи навбатда тадбиркорларнинг Адлия вазирлигига келиб тушган ҳар бир шикоятни назоратга олиниб, бевосита жойига чиқиб ўрганилмоқда.

Ана шу маблагнинг 600 миллион сўмга яқини бевосита 1200 нафар мансабдор шахслардан, янада аниқроқ айтганда, 217 нафар ҳокимлик идоралари, 300 нафар назорат қилувчи идоралар, 460 нафар хўжалик, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идоралар ходимларининг чўнтагиндан ундириб олинди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу суд жараёнининг доимий равишда республика ва маҳаллий телевидение орқали намойиш этилиши жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этиб, давлат эътиборининг интизомини оширди. Бунинг натижаси ўлароқ, жамоатчиликка айтиб ошқор бўлишдан қўрққан шахслар 640 та даъво аризаси бўйича қарийб 300 миллион сўм маблагни судга тадбиркорларга ўлаб бериши ва иш келишиув битимини тузиш билан яқунланди. Тахлилларга қараганда, ноқонуний текширишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлардан кейин бу борада аҳвол жиддий ўзгарди. Аниқроғи, ноқонуний текширишлар сони озлаб-марталаб камайди. Адлия вазирлиги 6 апрел кундан бошлаб амалга қўйилган **"Текширишларни руйхатга олиш Китоби"** Президентимизнинг бевосита қўллаб-қувватлашлари тўғрисида қонун даражасига кўтарилган ҳам бунга қатъий қўрсатмоқда. Шу кунгача 170 миң нафар тадбиркор ушбу китоб билан таъминланди. Айни чоғда

Олий суд билан биргаликда тадбиркорларга нисбатан ҳар бир жиддий ишда алоҳида тахлил қилиш қилиш йўлга қўйилган ва бу ишлар тўғрисида вилоят судларидан батафсил хулоса ҳамда маълумотлар олинмоқда. Ушбу ишларни тахлил қилиш натижасида Олий суд ва Олий хўжалик судлари томонидан тадбиркорларга оид ишларни судда қўриш амалиёти бўйича Пленум қарорлари қабул қилинди.

Яна шунинг таъкидлаш ўринлики, биз республикада тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мавжуд вазият ҳақида етарли маълумотларга эгамиз ва шундан келиб чиқиб, келгусидаги ишларимизни ташкил этмоқдамиз. Адлия вазирлиги томонидан ҳақиқий вазиятни чуқур ўрганиш мақсадида ҳар йили мамлакатимизнинг барча вилоятларида иқтисодий ислохотлар бўйича қонунларнинг бажарилишини ўрганиб чиқиш амалиёти йўлга қўйилган. Биргина ўтган йилда иқтисодий ислохотлар бўйича қонунларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида турли соҳаларда 245 миңга яқин қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Шундан 32739 тасини руйхатга олиш тартибининг бузиш, 2957 тасини тадбиркорларнинг пул маблагларини ноқонуний жалб қилиш, 9411 тасини кредит бериш тартибининг бузиш, 12469 тасини ноқонуний маъмурий жавобгарликка

бузилишларни бартаараф этишга қаратилган кескин чоралар кўрилди.

Вилоят адлия бошқармалари томонидан аниқланган ҳар бир қонунбузилишни бартаараф этиш бўйича назорат карточкалари юритиш талаби ижро этилмоқда. Назорат карточкалари тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклангунча ва айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилгунча қадар назоратдан олинмайди. Ана шунинг натижасида ўтган йили адлия идораларининг талаби билан 2300 нафарга яқин айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 290 нафари эгаллаб турган лавозимдан озод қилинди. Интизомий жавобгарликка тортилганлардан 239 нафари маҳаллий ҳокимият идоралари, 151 нафари солиқ идоралари, 270 нафари тижорат банклари, 111 нафари Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази, 64 нафари ер ресурслари хизмати, 49 нафари статистика идоралари, 45 нафари меҳнат бўлимлари, 42 нафари товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, 260 нафари ширкат хўжаликлари, 564 нафари тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ходимларидир. Республика прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда 214 нафар мансабдор шахсларни маъмурий жаримга тортиш чоралари кўрилди, 31 нафар шахслар эса жиноий жавобгарликка тортилди. Албатта, гап бу ерда мансабдор шахсларнинг жавобгар қилиниши эмас, асосий мақсад ушбу қонунбузарликларнинг такрорланмаслиги, яъни қонунларимиз ишлаб кетишидир. Ҳозирги кунда тадбиркорларга тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаб олиш, жойлардаги ҳақиқий аҳволни билиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан шу йилнинг январ ойида 13 миң нафарга яқин кичик ва ўрта тадбиркорлар ўртасида сўров ўтказилди. Ушбу сўровлар ҳам қўриқда таъкидлаб ўтилган қонунбузилишлар мавжудлигини яна бир марта исботлади. Ҳозир биз мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят ва туманларидаги аҳолини яқин билишимиз. Тадбиркорлар тўғрисидаги ҳақиқатларни руйхатдан ўтказиш жараёнининг оғир кечмаётгани, уларнинг маблагларини ройхатсиз турли қўриқлиш ва жойлардаги обдонлаштириш ишларини рўқча қилиб, ҳар хил усуллар билан олиб қўйишга, солиқ ва банк масала-ларига оид қонун ҳужжатларини мансабдор шахслар томонидан бузилаётгани, ҳатто маъмурий рўқча ҳам айнан шу идораларнинг мансабдор шахслари томонидан кўпроқ содир этилаётганини баён этишди. Бу сўровлар тахлилий мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида адлия идоралари ходимлари ҳамда ҳокимлар иштирокида муҳокама қилиниши, шунингдек, ноқонуний ҳаракатларни кескин бартаараф этиш чоралари кўрилиши лозим. Ҳозирги пайтда асосий эътибор шартномавий муносабатларни тартибга солишга қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналаридаги шартномалар, шу жумладан, ички хўжалик шартномалар тузилиши ва ижроси аҳоли доимий равишда яхши-лашиб, муайян даражада тартибга келмоқда. Адлия идоралари талабига кўра, ўтган йил давомида 54 миңдан ошқ шартномалар қайта туздирилди ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилди. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли адлия ходимлари ёрдамида турли ташкил ва ҳокимликларга 1,3 миллиард сўмлик 3242 та шартномалар киритилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судларга киритилган 11,1 миллиард сўмлик даъво аризалари 6992 тани ташкил этди. Шунингдек, ижарачилар ва оилавий пудратчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, оила пудратчилари манфаатларини қўзғаб судларга жами 563,8

тортиш, 84146 тасини шартнома интизомини бузиш бўйича содир этилган қонунбузарлик ҳолатлари ташкил этди.

Ушбу вазият мамлакатда бозор ислохотларини амалга оширишга, мулкдорлар синфининг шаклланиши ва ривожланишига жиддий ҳавф солмоқда. Шу боис барча кучимизни уларни маъзур Китоби текширувчиларга тўлиқрақ ўрганиш учун тақдим этганда, улар текширишни ўтказмай кетиб қолганликларини баён этишган.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги, республика Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати ва Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда муқobil текширишларни тартибга солиш ва тадбиркорларни асосий равишда кабинетларга ча-

Баҳор — яшариш, жонланиш ва гўзаллик фасли. Баҳорда олам яшилликка бурканади, теварак-атроф ўзарошига юз боради. Бу фаслда кўплай байрамлар нишонланади. Айниқса, 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунини юртимизда кенг миқёсда тантана қилинади.

Ушбу байрам муносабати билан мунис онахону меҳрибон опа-сингилларимизни, жаежи қизалоқларни табриклаш барибарида уларга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.



миллион сўмлик 4553 та даъво аризаси киритилди. Шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар сифатини янада ошириш мақсадида адлия бошқармалари томонидан тегишли идоралар билан бирга ҳар бир туманда камида 1 тадан, яъни 166 та намунавий ширкат ва 176 та фермер хўжалиги ташкил этишга эришилди. Бу хўжаликларга шартномавий-ҳуқуқий масала-ларда мунтазам равишда адлия идораларининг масъул ходимлари ёрдам бериб келмоқда. Ушбу хўжаликларда тумандаги бошқа хўжаликлар иштирокида турли семинарлар ўтказиш йўлга қўйилган. Адлия вазирлиги қонунларнинг амалда иш-лашини таъминлаш мақсадида бошқа қўшимча чора-тадбирларни ҳам қўлламоқда. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан доимий равишда қонун ҳужжатларини тахлил қилиб бериш йўлга қўйилган. Ҳар йили қонун ҳужжатлари инвентаризация қилиниб, Вазирлар Маҳкамасига улардаги қарама-қаршиликларни бартаараф этиш, тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бўйича тақлифлар берилди. Бундан ташқари, 158 та ноқонуний тадбир қилиниб келинаётган меъёрий ҳужжатлар қонунларга мувофиқлаштирилди, 59 та ҳужжат эса бекор қилиниб, давлат реестридан чиқарилди. Шунга ўхшаш 34 та ноқонуний амал қилиб келинаётган идоравий меъёрий ҳужжатлар аниқланиб, бекор қилинди. Айни кезларда қонун ҳужжатларининг тизимлаштириш маълумотлар электрон базасини ташкил этиш бўйича ҳам қатъий ишлар олиб борилмоқда.

Қонунчиликнинг долзарб муаммоларини янада чуқурроқ тахлил қилиш ва зарур тақлифлар тайёрлаш ҳамда бу борадаги чет эл тажрибасини ўрганиш мақсадида ташкил этилган Адлия вазирлигининг марказий аппаратидаги 19 та қонунчилик йўналишлари бўйича ички гуруҳлари халқаро ва республика миқёсидаги мутахассислар иштирокида илмий-амалий конференциялар ташкил этиб, муаммолар масалалари ва уларнинг ечимлари тўғрисида баҳсли мунозаралар ўтказиб келишмоқ-

да. Янги тақлифлар эса Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилмоқда.

Шу билан бирга, биз амалга оширилган ишларнинг натижаларидан тўлиқ қаноат ҳосил қилмаслигимиз керак. Чунки филармонияда, хали бартаараф этишимиз лозим бўлган қонунбузилиш ҳолатлари юқори даражададир. Кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида хали бир қанча ҳал этилмаган муаммолар, мансабини суиистемасиз қилиш, эътиборсизлик ва эътиборсизлик каби тўсиқлар мавжудки, бундан асло қўз юмиб бўлмайди.

Шунинг учун адлия идоралари ходимларининг сони чекланганлигидан келиб чиқиб, жойлардаги барча идоралар билан ҳамкорликда ишлаш, мавжуд ваколатлардан, ходимлар имкониятларидан оқилона фойдалана билиш катта аҳамиятга эга. Аммо айрим адлия бошқармалари фаолиятида ишчи пала-партишлик билан ташкил этилиш, асло имкониятларни ишга солимаслик, ваколатлардан фойдалана олмаसлик каби камчиликларга ҳанузгача барҳам берилмапти. Хусусан, жойлардаги айрим адлия бошқармаларининг шу йилнинг 1-ярми йилликларидан келиб чиққан ҳолда тузилмагани маълум бўлди. Хусусан, Хоразм вилоятида 2002 йилда ўрганишлар натижасида шартномавий муносабатларга боғлиқ 6012 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган бўлса-да, адлия бошқармасининг шу йилнинг 1-ярми йили учун тузилган иш режасида шартномавий муносабатларга бўйича фақат пахта тозалаш корхоналари ҳамда газтаъминот корхоналари томонидан тузилган шартномаларининг қонунчилиги ва ижросини ўрганиш билан чегараланган. Бошқа тур маҳсулотлар учун тузилган контрактлар шартномалари билан тузилган ички хўжалик шартномаларини ўрганиш масаласи эса мулкка эътибордан четда қолган. Амалга оши-

рилиши мўлжалланган ишларни бу каби режалаштириш адлия бошқармаси раҳбарияти томонидан ишлар ўз йўлига ташлаб қўйилганидан далоятдир. Бу каби камчиликлар Андижон вилояти адлия бошқарма иш режасида ҳам мавжуд. Шунинг унутмаслик лозимки, режасиз иш эртами-кечми, барод бўлиши аниқ. Шунинг учун йил бошидан қилинадиган ишларни тўғри режалаштириш талаб этилади. Режаларнинг ижроси эса, албатта, бажарилиши шарт. Демак, вилоят адлия бошқармалари иш режаларини тузишда мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш лозим:

1) адлия бошқармасига қилиб тушган аризаларни тахлил қилиб, улардаги мавжуд муаммоларни туркумлаш ва аниқлаш;

2) Адлия вазирлиги томонидан киритилган тақдимомаларда кўрсатилган асосий қонунбузилишларни ўрганиб чиқиш лозим. Вазирликнинг тақдимномаси тайёр материал бўлиб, ҳатто кабинетда ўтириб ҳам унда кўрсатилган қўлпаб камчиликларни бартаараф қилиш мумкин. Ахир, бу Адлия вазирлиги кўрсатаётган катта ёрдам эмасми?!

3) Ҳар бир адлия бошқармаси ўзи томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларни ўрганиш ва шу асосда режалаштириш керак;

4) Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларидан келиб чиқиб, режа тузиш зарур.

Адлия вазирлигига келиб тушган барча ариза ва шикоятлар хусусиятларига қараб тахлил қилинганда, уларнинг аксарияти (78,7 фоиз) тадбиркорлик ва шартномавий муносабатларга тегишли бўлмоқда. Руйхатга олиш ва лицензиялашга оид (8 фоиз), ер ажратиш (27,3 фоиз), солиқ қонунчилигини қўллаш муаммоларига оид (9 фоиз), ноқонуний текшириш (5 фоиз), кредит ажратиш (12,8 фоиз), шартномавий муносабатларга оид (25 фоиз) масалалар шулар жумласидандир. Лекин жойларда ариза ва шикоятларни қўришда айрим ад-

- ЎЗБЕКISTON Ва дунё кеча, бугун, эртага**
- ✓ Президентимиз Ислам Каримов 28 февраль кун Оқсаройда Ҳиндистон Мудофаа вазири Жорж Фернандесни қабул қилди.
 - ✓ Оқсаройда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
 - ✓ Мамлакатимизда Осий тараққиёт банкнинг маслаҳат миссияси ташриф бурди.
 - ✓ Олий Мажлисда "Ўзбекистон Республикасида нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти" мавзусида даъво сўхбати бўлиб ўтди.
 - ✓ Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича анъанавий "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" Гран-при халқаро турнири ўтказилмоқда. Бугун ниҳонсиза етадиган ушбу нуфузли мусобақаларда АКШ, Россия, Корея, Қозғистон, Грузия каби дунёнинг энг кучли терма жамоалари куч синашмоқда.

ФХДё бўлимимизга ота-оналар турли масалалар бўйича мурожаат қилишади. Кейинги пайтда оталикни белгилаш масаласи одат тусига кириб қолди дейиш мумкин. Биргина шу йилнинг январ ойида мазкур масала

гувоҳнома олишлари кераклиги йитилди. Ота ФХДё бўлимига келади. Шунда маълум бўладики, хотини аввалги эридан қонуний ажралмаган, ўзининг ҳам олдинги хотини билан никоҳи ҳали бекор қилинмаган...

Бунга қўп мисол келтириш мумкин, аммо фойдаси йўқ. Негакки, айна шу тўғридаги мурожаатлар қанчалик ҳам кўп бўлган. Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Маълумки, 2003 йил Президентимиз

Оила — муқаддас Иккинчи мулоҳаза шундан иборатки, қонуний ажралмаган эр бошқа бир айла уйланишга чек қўйиш лозим. Бу масалани ҳам маҳаллалар билан биргаликда иш олиб боришли зарур. Қолаверса, эр-хотиннинг янги рўзгор қуришлари шартий асос эриштириб берадиган мулралар ҳам аввалги турмушлари тўғрисида бир оғиз сўрашлари мақсадга мувофиқдир.

ШОПЕНГАУЭР: ЭЗГУЛИК МУЛКИ

Улуғ немис файласуфи Артур Шопенгауэр 1788 йилнинг 22-февралда Данциг шаҳрида тижоратчи оиласида дунёга келди. Ота-онаси ҳам унинг савдо-хотини бўлишини интагани боис ёшлик чоғларида савдо-сотик ишлари билан шуғулланади. Аммо унинг қизиқиш ва дунёқараши йилдан-йилга ўзгариб боради. Усмилриқ йилларида Артур кўп мартабо Фарбий Оверупа мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқади. Ана шу даврда унинг философияга мойил гапгин дунёқараши шаклланади. У Леонда бўлганда Франгистон инқилоби оқибатида азоб-уқубатлар чеккан одамлар билан суҳбат қуради — қанчалаб оруз-хавасли, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тотиб улгурмаган ёшлар эҳтиросларини жиповлай олмангликлари боис бекорга ноубу бўлиб кетгани ҳақидаги ҳикояларни эшитиб, изтиробга тушади.

Ана шу йиллари Шопенгауэр оиласидаги ҳаёт ҳам ҳавас қиларли эмас. Ота-онасининг бир-бирига муносабати яхши бўлмагани сабаб қуюнчақ, эхтиросли Артурга бу қаттиқ таъсир қўрсатарди. Кейинчалик отаси хотини билан ажрашиб кетади ва икки йил ўтгач, ўзини осиб қўяди. Отасининг ўлимидан сўнг Шопенгауэр тижоратчилик ишларини йиғиштириб ва интеллектуал фаолият билан шуғуллана бошлади. Артурнинг онаси Иоганна Шопенгауэр қувноқ, айнаи дамба жамоат орасида кўзга қўриган, билимли, истеъдодли ёзувчи бўлиб, унинг мухлислари ҳам, дўстлари ҳам етарли эди. Онасининг ёрдами тўғрисида Артур Готи ва Веймар гимназияларида қадимги тилларни, қўна ёзувларни, динлар тарихини жиддий ўргана бошлади. Онаси Артурни Гёте, Виланд, Фридрих Шлегел Рейнгольд каби ўша даврнинг машҳур кишилари билан таништириб, Гёте билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг Шопенгауэрда табиий фанларга бўлган қизиқиш янада ортиб, илмий изланишларга киришади ва 1816 йилда "Кўриш ҳақида ва ранглар жисми" номида ўзининг дастлабки рисоласини ёзди. Бу асарининг госянини Готи улғу шoir берган бўлса-да, унинг йўналиши умуман Гёте асарларига ақинашмасди.

1809 йилда Шопенгауэр аввал Гёттинген, икки йилдан сўнг поштахт Берлин дорилфунунига ўқишга қабул қилинади. Машғулланган асосини аввал тиббиёт, кейинчалик эса философия ташкил этади. Философдан дарси Гёттингенда Готлиб Шульце ўқитса, Берлинда Фихте ва Шлейермахер ўтарди. Мазкур дорилфунунлардаги маърузалар ёш Шопенгауэрга а қадар ёқмасда-да, фақат Фихтеннинг волюнтаризм таъомиллари ва Шеллингнинг ооздлик борасидаги фикрлари қизиқ туюлди. Лекин худди ана шу даргоҳда ўқибётган паллада у Локкиннинг давлат ва давлатчилик, қонун ва фалсафага оид асарларини, Аффолтунинг голяр ҳақидаги таълимоти ва Кантнинг инсон инониктиёри, сезги, ҳиссий билимлар борасидаги илмий-фалсафий изланишларини ўрганиб чиқади. Ана шундан бошлаб бутун умр бўйи Шопенгауэр табиий ва аник фанлар юзги билан қизиқиш келади. Берлиндалик йилларида "Етарли асосларга таянган қонун" номи докторлик диссертациясини Йен дорилфунунда ҳимоя қилиш бахтига мушарраф бўлади.

Шопенгауэрнинг асабиёлашвериши, яна феълидаги кек сақлаш одати унинг кўлаб ишларида, кейинги ҳаётида панд бермай қўймади. Тўғри сўз ва машур бўлишга интилувчанлик хислати эса узоқ йилларгача унинг мақсадида эришувига монелик қилиб келди. Унинг кўлаб фалсафий кўлэмаларида худди ана шу психологик ҳолатлари — таъсирчан эҳтирослар ва бошқа рақибларини тан олмаслик, тан олмасликдан ҳам кўра улар қарашларини умуман қабул қилмаслик ҳоллари ҳам кўлаб учрайдики, бу илм-фан оламида табиийдек туюлса-да, одоаб-ахлоқда, инсонийлик бобида баъзан қуюнчадан чиқиб кетган давлат таасурут тугдиради. У Гегел қарашларини ҳам қаттиқ туриб қоралайди. Зеро, бу доинишанд фалсафасидаги оптицистик қарашлар, таъбир жоиз бўлса, ёруғ нафас бутун Шопенгауэр турши-турумушга, фикрлаш тарзига, тафаккурининг йўналишига умуман тўғри келмас, мултрақ эди қўринарди... 1813 йилда Шопенгауэр "Етарли далилнинг тўрт томони илдини устида" номи илмиий рисоласини ёзиб тугатади. Бу докторлик ишда нафақат унинг усули, балки асосий дунёқараши, фалсафага, борлиққа, одамзода, жамиятга бўлган муносабати ҳам аққол намоён бўлган. 1819 йилдан Шопенгауэр Берлин дорилфунунига ишга ўтади. 1832 йилга қадар у ва рақиб Гегел мазкур илмгоҳда фалсафадан маъруза ўқийдилар. Бу йиллари ҳам Шопенгауэрнинг омади келмади. Талабалар унинг дунё ишлари, фалсафа, ҳақиқат борасидаги маърузаларини тинглашдан кўра Гегелнинг давлат, давлат қурилиши, қонунчилик, қонунчилик, ҳуқуқшуносликка оид ёрқин, ёшларнинг келажакда ўзи яшаётган жамиятда макъе, нуфузга эга бўлишга умид уйғотувчи маърузаларини маъқул қўришади. 1831 йилда Гегел оламдан ўтгачина Шопенгауэрнинг дорилфунундаги ишлари хиёл олдинга силжийди. Аммо Шопенгауэр бундан қаноат ҳосил қилмай, мазкур оилм даргоҳини, шу билан бирга ўқитувчилик касбини ва ҳатто Берлинни бутунлай тарк этади. 1844 йилда ёзилган унинг машҳур нутқида "Менинг фалсафам ўз оёғи билан кафедранга эгаллаши учун замон ўзгариб, умуман ўзгача бир давр келиши шарт", деган жумлалар ҳам бор эди. Шопенгауэрнинг бундай башоратомуз сўзлари ҳақиқатан ҳам кейинчалик амалга ошди.

МУАММОГА КИМ САБАБЧИ?

Бўйича 50 дан ортиқ ариза қабул қилинди. Хўш, бунинг сабаби нима билан изоҳланади? Биноидек яшаб турган оила ҳар хил сабабга кўра бузилиб кетади. Қайта ярашиши у ёқда турсин, ҳатто никоҳдан ажраллишларини қонуний расмийлаштириши ҳам ўйлаб қўришмайди. Вақт ўтиши билан собиқ эр ҳам, хотин ҳам янгидан оила қуришади, фарзандли бўлишади. Худди мана шу ўринда муаммолари бошланади. Турғуқонада фарзандга

Ана шундан бошлаб оталикни белгилаб беришни сўраб ариза ёзишга тушилади. Тўғри, айрим ота-оналар биринчи бор тушунтирилгандан сўнг турли тўсиқларни енгиб, оилавий муносабатларининг ҳуқуқий асосларини тиклашга эришишади. Кейинги сафар ҳеч қандай муаммосиз ишларини битириб кетаверадилар. Бироқ бошқа бировлари такрор ва такрор айтилишига қарамай, масалага панжа орасидан қарашини давом эттираверади.

томонидан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинди. Бугунги ҳаётимизда маҳалла фуқаролар йиғинининг ўрни ҳақида сўзлаб ўтиришнинг ўзи ортиқча, деб ўйлаймиз. Улар ўз худудларидаги ҳар бир оиланинг яшаш шароитидан тортиб, ўзаро муносабатларига ҳақ бўлган ҳолатларни ҳама яхши билишади. Ахрალიш ҳоллари вужудга келганда маҳалла томонидан масаланинг қонуний жиҳатлари ҳал этилиши ва бунинг келажакда салбий оқибатларга ҳам

Оила — муқаддас Шу боис ҳар бир оиланинг қонуний асосга эга бўлишини, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирилишини истаймиз. Бунинг учун эса фуқароларимиз қонун талабларига ўз вақтида амал қилишлари ҳам талаб қилинади.

Ўғилол ОМОНОВА, Гўзал ЭЛМУРДОВА, Узун тумани

Навоийлик Олег Лихачёв ёши қирққа ақинлашган бўлса-да, нукул эгри йулларни танлади. Бундан доимо панд еса-да, асло тавбасига таянмади. Шу боис бирор-бир ерда ёлчилаб ишламади. У умрининг 10 йилини 6 марта судланиб, жазони ўташ жойларида ўтказди. Олег илк бор судланганда эндигина 18 ёшга тўлган навқирон йигит эди. Ушунда онаси суд залда ўтириб, ўлига йиғлаганича панд-насихат қилганди. — Болам, еганинг олдинда, емаганинг ортингда

ёҳванд моддалар сотиш билан бирга ўзининг ҳуморини ҳам қондириб юрди. Утган йилнинг 14-октябр куни эди. Кечки пайт Олегнинг янги таниши, муқаддам икки мартабо судланган, 22 ёшли Евгений Рамзаев аввал телефонда ишни пишитгандан кейин унинг хонадонига йўл олди. — Хуморига чидай олмайман, — деди у Олегга мултираб қараганча. — Ердям бер, дўстим. — Менда "марихуана" бор, — деди Олег сигаретини қул-

Ajal komi

рувлари натижасида гиёҳфурӯш ҳам фош этилди. Эртаси куни Олег Лихачёвнинг уйи тинтув қилингандан ётоқ жойидан сотиш учун яшириб қўйилган 15 донга ўрамлардаги 10,5 грамм микдордаги гиёҳвандлик воситаси топилди. Шу тариха афюнфурӯшнинг қилмишига чек қўйилди. Суд ҳукмига кўра Олег Лихачёв еттинчи мартабо оозодликдан маҳрум этилди. Унинг мижози Евгений Рамзаев ҳам қилмишига яраша жазоланди. Шу ўринда афсус билан таъкидлаш лозимки, бундай йўлни танлаганлар буларгина эмас. Қизилтепа туманидаги "Тошробод" қишлоғида яшовчи Хуршид Ражабов, Шерали Насруллоев, Навоий туманидаги "Нарпай" ширкат ҳўжалигида яшовчи Комил Тошев ҳам гиёҳвандлик йўлини танлашди. Оқибатда улар жарга йиқилганини билмай қолишди.



Илҳом ҚўЧҚОРОВ, ҳуқуқшунос, Ёрқул УМАРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири



Jushqinlik...

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

ЖАРЛИК

бўлса, нега ўғирлик қилдинг? Бизни унга қолдирдинг-ку?! Бу уч йил сенга бир имтиҳон бўлар...

Афсуски, Олег онасининг йиғлаб-сиқтаб айтган нола-ларига қулқол солмади. Қинғир йўлдан чекинишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмади. Қамокдан қайтгач, яна жиноятга қўл ураверди. Охириги мартабо Олег жазони ўташ жойидан 2001 йил 10 сентябр куни озод бўлиб қайтди. Бу сафар у ўғирлик касбини ўзгартиришга қарор қилди. Гиёҳфурӯшликдан мўмай пул келишини у яхши биларди. Бу йўл ҳам жуда қалтислигини, неча-неча одамларни оғу домга гирифтор қилишини билса-да, ўзининг нијятдан қайтмади. Ги-

донга эзгилаганича. — Бир чекишга бўлса, етади, — деб Евгений унга 1500 сўм тутқази. — Ҳозирча шу пулим бор. — Ундай бўлса, мени кўчада кутиб тур, ўша ерда оласан. Олег орадан 10-15 дақиқалардан сўнг ташқарига чиқиб, қоронғида Евгенийга 1,25 грамм микдордаги гиёҳвандлик воситасини беради. Иккаласи тезда ҳар томонга тарқалишди. Аммо кўп фурсат ўтмасдан Евгений Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан шубҳаланиб тўхта-тилди. Унинг қафидан ҳозиргина Олегдан сотиб олган афюн чиқди. Тезкор гуруҳнинг суришти-

Зиёвуддин Асака шахар академик лицейининг учинчи босқичида таҳсил олаётган эди. Ҳуқуқ йилнинг сўнги кунларидан бирида лицейда лаборант бўлиб ишлайдиган Машҳура ва компьютер ўргатувчи Юлдаш оғалари билан бирга у Андижон шаҳрига борди. Анкироғи, бу тақлиф Машҳура орасидан чиқди. Бирга боришди, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида музқаймоқ еб, қайтиб келишди.

Nadomat

қўлларида пичоқ устида бир хил қўйлақ, эшик олдига қолган Хасанбойни гаровга олишиб, бўйнига пичоқ тираб кириб келишди. Зиёвуддин бу пайтда балқонда турганди. Бу ерга бостириб қирган Мурод Зиёвуддиннинг юзига бир мушт туширди. У ёлғондан ерга йиқилди-ю, бурни қонди. Шу пайт Дилмурод юзига дама пичоқ кўриб кетди-ю, деразадан ўзини қўлга ташлаб юборди. Сарғузашта ишқибоз, "ҳазил"ни яхши кўрадиган болалар унга ёрдамга етиб келишганда у чап оёғи синиб, ерда ётар

Charxi kajraftor

АНТИҚА ПОЙГА

Автомобилларни олиб қочиш бўйича дунёда биринчи ўринда Жанубий Африка Республикасининг поймахти Йоханнесбург шаҳри туради. Нега деганда, бу шаҳарда ҳар йили 85 мингга яқин автомобиль ўғирлиги содир этилади. Италия поймахти Рим ҳам Йоханнесбургдан қолишмайди. Бу ерда бир йилда ўртача 5180 та автомобильга ўғирланади. Бу борада Франция ва Германия давлатлари ҳам етакчи ўринда.

ЛИФТ ПАНД БЕРДИ

Калифорниянинг Ван Нэйс шаҳрида суд ҳараёни кетаётган вақтда жиноятчи қўриқчиларни итариб юбориб, суд мажлиси залидан қочиб қатнади. Бироқ уни тез фурсатда қўлга олишди. Бунга унинг қанчаласи сабаб бўлди. У 8-қаватда лифт келишини кутиб турган пайтда қўриқчилар етиб келишди. Натижада суд ҳайъати унга яна қўшимча айблов эълон қилди.

ЮТИБ ҲАМ ҚУТУЛМАДИ

Огайо штатининг Дублин шаҳрида қимматбаҳо буюмлар ўғириси нархи 17 миң АҚШ долларни турадиган олмос кўзли биллакузунки ютиб юборди. Қизиғи шундаки, ушбу ҳолатни сотувчилар пайқашмади. Бироқ сотувчилар ундан шубҳаланишиб, ҳар эҳтимолга қарши унинг автомашинаси рақамини ёзиб олишди. Полиция ўғри минган автомашинани тўхташиб, тинтув ўтказганда ҳеч нарса тополмади. Бироқ синчворок полиция ходимларидан бири уни рентген суратида тушириш лозимлигини айтди. У адашмаган эди. Шу тарзда ўғрининг жинояти фош этилди.

ФИРИБИ ЎТМАДИ

Маймида бир гуруҳ фирибаблар светофорни масофадан бошқарувчи қурилмани иختиро этиб, уни Интернет орқали реклама қилишди. Ушбу қурилмани ишлаш ҳараёни шундан иборатки, қурилманинг бир тугмаси босилса, светофор чироклари қизил ёнади, иккинчиси босилса, яшил ёнади. Бу эса шошқалоқ ҳайдовчилар учун айни боп бўлгани учун қурилма савдоси фоят қизиди. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бозорнинг "белгита теппиши" ва "иختирочилар"ни қўлга олишди.

ЎЛИМНИ АЛДАМОҚЧИ БЎЛДИ

Ҳаётда бир марта эмас, балки бир неча бор ўлиш мумкинлигини америкалик фуқаро Питер Жентри амалда исботлади. Гап шундаки, "каловини тоспанг, хор ҳам ёнади", деган нақлга амал қилувчи Питер автомобилни маст ҳолда бошқаргани учун судга жавабгар сифатида боришини олдини олишининг антиқа йўлини топди. У судга ўзининг вафот этгани тўғрисидаги сохта ҳужжатни жўнатиди. Унда Питернинг фохиали равишда автохалокатга учрагани кўрсатилган эди. Унинг бу наيرانги омади-ли ўтди. Сўнгра у яна маст ҳолда қўлга тушди ва бу сафар ҳам "автохалокат натижасида вафот этди". Учинчи марта қўлга олингандан энди Питер "вафот этиш-натиб бошқача усулни кашф этди": бу гал у судга ўзининг тузатиб бўлмайдиган касаллигидан вафот этганини тасдиқловчи ҳужжатни юборди. Бироқ суддагилар бу сафар унга ишонилмади. Питер ушлангандан сўнг, мутахассислар унга "вафот этгани тўғрисидаги гувоҳнома"да кўрсатилган "бавосил хуружи" деб номланувчи касаллигини тиббиётда ҳали маъқул эмаслигини яхшилаб тушунтиришди.

СОХТА ОТАЛАР ҚИЛМИШИ

Албанияда икки жиноятчи турғуқонани ўмариди. Улар турғуқона ходимларига ўзларини янги туғилган чақалоқларини қургани келган бахтли оталар сифатида таништиришди. Шу аснода турғуқона қўриқчиларини алдаб, улар бош ҳисобининг хонасига киришди ва у ердаги софидан ходимлар учун берилиши керак бўлган ойлик маошини ўғирлаб кетишди.

ТАГИ ЗАИЛ ҲАЗИЛ

ланамиз. Шаҳарда бирорта танишингни уйи бўлса, ўша уйда қизлар билан ўтирарди, нима дейсан, — деди у. Дилмурод Андижон шаҳрининг 3-кичи ҳақасида уйлари борлигини, қалип қўшинда туришини айтди. Шундан сўнг улар ўша уйда мижмондорчилик қилишадиган бўлишди. Зиёвуддин қизларга бир ўзини кўрсатиб қўйгиси келди. Асака шаҳридаги "Оби-роҳат" қаҳвахонасига бир маҳаллада яшовчи, педагогика коллежида ўқийдиган Хасанбой Абдурахмонов ва техника-иктисодиёт коллежида ўқийдиган Хуршид Маматов ва Санжар Орипов ҳамда Дилмурод Қўчқорловларни тўлаб, масалаҳат солди. — Мен қизларга бир ўзини кўрсатиб қўймоқчиман. Бунинг учун ҳазиллашиб, уларни кўркамтамиз, лекин ҳеч нарсаларини олмаймиз, — деб тақлиф қилди у.

ТАГИ ЗИЛ ҲАЗИЛ

ган экан. Хуршид билан Санжар уларни ҳам залга олиб кириб, қўлларини боғлашди. Мурод Зиёвуддиннинг қўйлағи чўнтагидан 1500 сўм, шими чўнтагидан 2000 сўм, Дилмуроднинг 600 сўм пулини чўнтагидан олди. Қолган йигитчалар эса қизларнинг тилла занжирини, икки жуфт сирғасини олиб чиқиб кетишди. Худди кинолардагидек... Улар ҳеч нима бўлмагандек, Асакага қайтишди. Аммо Дилмурод бўлган воқеани дадам билмасин деб, юраги безилар эди. Уша кунни кечқурун Хасанбой, Хуршид, Санжар ва Муродлар Зиёвуддин билан яна "Оби-роҳат" қаҳвахонасига киришди. Улар "операция" муваффақияти ўтганидан хурсанд эди. Пул ва тилла буюмларини Зиёвуддинга қайтариб беришди. Эртаси кун Дилмурод билан Зиёвуддин уйни йиғиштириб қўйиш учун келишди. Эрталабдан Зиёвуддин Хасан Абдурахмонов, Нодир Файзиев, Мурод Қўчқорловлар билан қўришди, уларга: — Уйни тозалагани кетяммиз, уйга орқамиздан никоҳда киришиб, тиллазан-жирни ўша уйда қолдириб чиқашсан, қўлларингга пичоқ ушлаб олинган, — деди ва Мурода Олдуз орасига тегишли тилла занжирини бериб қўйди. Улар Хасан, Дилмурод учаласи яна "Тико" автомашинасини кира қилишиб, Андижон шаҳридаги ўша уйга келишди. Уйни йиғиштиришадиган пайтда ўзаро келишувга кўра ҳазиллашиб, Мурод, Нодир, Бахромова юзларига никоҳ қийиб,

ЎКИ БОШИНГА НЕ БАЛО ЁҒСА, БИРОВДАНМАС, ЎЗИНГДАН КЎР

Эртасига Машҳура опа бир жойга кетиб қолгани учун Юлдаш опаси, ўзининг Гўзал исми ўртоғини олиб, Дилмурод ва Зиёвуддин тўрталаси "Тико" автомашинасида Андижон шаҳридаги 3-кичи даҳаддаги хонадонга келишди. Йўлда Зиёвуддин бир ишга шампан вивоси, шоколад ва печенье сотиб олди. Уйда базму жамшид авж палласига чиққанида юзига никоҳ тугган бешта бола хонага бостириб кирди. Санжар Зиёвуддинни итариб юборди. Хуршид эса унинг бурнига уриб қонатди. У ерга йиқилди, кейин улар унинг қўлини боғлаб, оғзига "скоч" ёпиштиришди. Санжар билан Мурод эса Дилмуродни йиқитиб, оёқ-қўлини боғлаб қўйишди. Қўриқ кетган қизлар балқонга қочиб чиқиб кетиш-

Исломбек ҲАСАНОВ, Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Асли ҳазилдан бошлаган ишнинг тағи шу тариха зил чиқди. Терговчи-ю судья акаларга бир дунё иш ортди. Тўғри, келтирилган зарарлар ўрнида қиларди, яъни олинган тилла занжир улар, пуллар эгаларига қайтарилди. Дилмуроднинг оёғи ҳам тезда тугалиб кетди. Лекин барибир иш жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд юқордаги ҳолатларни ва ўқимир йигитлар ўз қилмишидан қаттиқ пушайдин эканлигини ҳисобга олиб, Зиёвуддин Холиқазаров, Хасанбой Абдурахмонов, Хуршидбек Маматов, Мурод Қўчқорловларга икки-уч йилдан ахлоқ тузатиш иши ҳазоси тайинланди. Воғета етмаган Нодир Файзиев, Санжар Орипов, Бахрому Абдулазизовларга эса уч йилдан синово муддатга белгиланди. Бу болаларча шўхлиқимиди? Бу чинакам ҳазилмиди? 18-19 ёшга кирган, бо-лейнинг учинчи босқичида ўқийтган болалар ҳазил билан босқинчиликнинг фақрига боришадими? Бундай тағи зил ҳазилнинг кимга кераги бор? Бундай ҳазилнинг орқасидан қанча азият чекилди?

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИА ВАЗИРЛИГИ
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон
Республикаси Давлат мабурут
қўлига олинган 00141-рақам
билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бунрош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Сайфидин РАҲИМОВ
Фабул АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
Холли НОРБЕҒИ
Нормейли НОРПУЛАТОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Жаббар ЖАБОРОВ
Навбатчи:
Робийурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер ба-
засида терилди ва сақуллади. А-2 Бичирида, 2 мос-
табоб ҳўрда, офсет усулда "Шарқ" нашриёт-матбаа а-
қшдорлик компанияси Босмақонда босилди. Қорхона
манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси 41-ўй. Буюр-
та Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти
— 21.00. Топширилди — 22.30

МАНЗАЛИ:
700047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 136-72-37
(умумий бўлим),
133-70-65,
133-84-50

Аббос САИД